



СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШДА ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ХАБАРДОР ЭТИШ ВА ШИКОЯТ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси Тергов фаолияти
кафедраси кабинет бошлиғи
E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13846084>

Аннотация: Ушбу мақола ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёнини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Тадқиқотда процесс иштирокчиларини хабардор этиш тартиби, тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш механизми, шунингдек, айбланувчи ва унинг ҳимоячисини хабардор этиш каби долзарб муаммолар ўрганилган. Ишда миллий қонунчилик таҳлил қилиниб, хорижий мамлакатлар, хусусан МДҲ давлатлари тажрибаси ўрганилган. Тадқиқот натижасида Жиноят-процессуал кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор ҳақида процесс иштирокчиларини хабардор қилиш тартиби, тўхтатилган иш бўйича шикоят бериш ҳуқуқини аниқ белгилаш, тўхтатиш тўғрисидаги қарор нусхасини тақдим этиш тартиби, айбланувчи ва унинг ҳимоячисини хабардор этиш масалалари бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижалари жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноят процессининг умумий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: суриштирув, дастлабки тергов, терговни тўхтатиш, процесс иштирокчилари, хабардор этиш, шикоят қилиш механизми, айбланувчи ҳуқуқлари, ҳимоячи, қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам совершенствования процесса приостановления дознания и предварительного следствия в досудебном производстве. В исследовании изучены такие актуальные проблемы, как порядок уведомления участников процесса, механизм обжалования решения о приостановлении, а также уведомление обвиняемого и его защитника. В работе проанализировано национальное



законодательство, изучен опыт зарубежных стран, в частности стран СНГ. В результате исследования разработаны предложения и рекомендации по внесению изменений и дополнений в соответствующие статьи Уголовно-процессуального кодекса.

В частности, даны практические рекомендации по вопросам порядка уведомления участников процесса о постановлении о приостановлении дознания и предварительного следствия, четкого определения права на обжалование прекращенного дела, порядка представления копии постановления о приостановлении, уведомления обвиняемого и его защитника.

Результаты исследования послужат более эффективной защите прав и свобод граждан в уголовном процессе, а также повышению общей эффективности уголовного процесса.

Ключевые слова: дознание, предварительное следствие, приостановление следствия, участники процесса, уведомление, механизм обжалования, права обвиняемого, защитник, законность, права граждан.

Annotation: This article is dedicated to improving the process of suspending preliminary investigation and inquiry in pre-trial proceedings. The study examines current issues such as the procedure for notifying participants in the process, the mechanism for appealing a decision to suspend proceedings, as well as the notification of the accused and his defense attorney. The work analyzes national legislation and examines the experience of foreign countries, particularly the CIS countries. As a result of the research, proposals and recommendations have been developed for amendments and additions to the relevant articles of the Criminal Procedure Code.

In particular, practical recommendations are given on the procedure for informing the participants of the process about the decision to suspend the inquiry and preliminary investigation, the precise definition of the right to appeal on the case, the procedure for providing a copy of the decision to suspend, and the issues of informing the accused and his defense attorney.

The results of the study will serve to more effectively protect the rights and freedoms of citizens in the criminal process, as well as to increase the overall effectiveness of the criminal process.

Key words: inquiry, preliminary investigation, suspension of investigation, participants in the process, notification, complaint mechanism, accused rights, defender, legality, citizens' rights.



Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи, айниқса ишни судга қадар юритиш босқичида, долзарб аҳамият касб этади. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни хабардор этиш ва қонунийликни таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бироқ, амалиётда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, процесс иштирокчиларини хабардор этиш тартиби, тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш механизми, айрим ҳолатларда айбланувчи ва унинг ҳимоячисини хабардор этиш масалалари қонунчиликда тўлиқ ўз аксини топмаган.

Ушбу тадқиқот ишида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёнидаги ҳуқуқий муаммолар, хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўллари таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг мақсади ишни судга қадар юритишда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноят процессининг ҳар қандай босқичида таъминлаш энг долзарб масала ҳисобланади[1]. Дарҳақиқат, жиноят процессининг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар, процесс иштирокчиларини хабардор этиш, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишнинг қонунийлигини кафолати ҳисобланади.

Бизга маълумки, терговда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг терговни тўхтатиш тўғрисида иштирокчиларни хабардор этиш шакли белгиланган. Бироқ жиноят ишини судда кўришга тайинлашда (ЖПКнинг 399-моддаси) ва суд муҳокамасида (ЖПКнинг 420-моддаси) ишни тўхтатишда процесс иштирокчиларини хабардор этиш тартиби Жиноят-процессуал қонунчилигида ўз ифодасини топмаган. Бизнингча, суд ишни судда кўришга тайинлашда ёки суд муҳокамасида ишдан манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат бўйича процессуал қарор ёки ажрим қабул қилаётган бўлса, бу ҳақда иштирокчиларни хабардор этиши шарт. Чунки, ҳар қандай ишдан манфаатдор шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари жиноят ишининг тақдири бўйича маълумот олиш орқали таъминланади.



Агар суд айбланувчи ёки судланувчининг яширинганлиги асосида дастлабки тергов тўхтатилганлиги ҳақида ишдан манфаатдор шахсларни хабардор этса, уларга айбланувчи ёки судланувчининг қаерда эканлиги маълум бўлиши, натижада ишдан манфаатдор шахсларнинг хабари айбланувчининг ёки судланувчининг дарҳол иш юритувига таъминланишига сабаб бўлиши мумкин. Айбланувчи ёки судланувчи билан боғлиқ ҳар бир ҳолат бўйича процесс иштирокчиларига албатта хабар берилиши керак. Бунда айниқса, тергов ва судда тўхтатилган ишлар юзасидан манфаатдор бўлган шахсларни хабардор этиш келгусида жабрланувчининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига, шунингдек терговни тўхтатиш ҳолатлари тезда бартараф этилишига замин яратади. Шунингдек, жиноятдан жабр кўрган шахс ҳар доим судда иш юритишдан манфаатдор ҳисобланади.

Ишдан манфаатдор шахсларни хабардор этиш масаласи хусусида В.В.Рябчиковнинг фикрича, процесс иштирокчиларини хабардор этишда муддати аниқ бўлиши керак – бу уч кун ҳисобланади[2]. Фикримизча, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш бўйича процесс иштирокчиларидан кимнинг манфаатлари тўқнаш келса, тегишли тартибда дарҳол хабар бериш лозим.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 369-моддасида иштирокчиларни хабардор этиш масаласи ёритилган бўлиб, лекин “дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш имконияти ҳақида қонунда норма мавжуд эмас”[3]. Бироқ, умумий тартибда ЖПКнинг 27-моддасига биноан терговчининг қарори устидан шикоят қилиш мумкин.

Бизнингча, айнан тўхтатилган ишлар юзасидан шикоят институтини белгилаш, ишдан манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида таъминлашга ҳамда тўхтатилган ишларни тезда бартараф этишда замин яратади. Натижада иш юритаётган тергов ходимларининг масъулияти ҳам ошади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2008 йилги ҳисоботида жиноят ишларининг асоссиз кўзғатилиши ва тўхтатилишида, дастлабки тергов олиб боришнинг ноқонуний усулларида ўз аксини топган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳаракатлари туфайли уларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги қайд этилган. Бунинг тасдиғи сифатида, фуқаро Й.нинг ўғли М.ни ўлими бўйича Бекобод туман прокуратураси томонидан ўтказилган тергов ҳаракатлари жараёнидан



ҳамда Бекобод туман жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмидан норозилиги тўғрисидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан назоратга олинган ва ўрганиш учун Тошкент вилояти прокуратурасига жўнатилган (иш №928р-13). Олинган жавобга кўра, Тошкент вилояти Бекобод туман прокурорининг ўринбосари Ш.Т.Атажонов томонидан жиноят ишининг ички ишлар органлари терговчилари Г.Эсантурдиев ва бошқаларга доир қисмини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни эрта чиқарилганлиги муносабати билан ушбу қарор бекор қилинган[4].

Бундан кўриниб турибдики, амалиётда тергови тўхтатилган жиноят ишлари юзасидан шикоятлар учраб туради. Ушбу норманинг процессуал қонунчиликда айнан тўхтатилган ишлар юзасидан мустаҳкамлаб қўйилиши келгусида ишдан манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида таъминлашга замин яратади.

А.С.Шагинян, ишдан манфаатдор бўлган шахсларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг нафақат прокурорга, балки судга берилишини таъминлаш керак, деб ҳисоблайди[5]. Фикримизча, тўхтатилган ишлар юзасидан шикоят, кимга берилишидан қатъи назар, таъминланиши даркор. Масалан, хориж тажрибасига назар солсак, Озарбайжон Республикаси (ЖПК 277-моддаси тўртинчи қисми), Арманистон Республикаси (ЖПК 258-моддаси биринчи қисми), Белорусия Республикаси (ЖПК 247-моддаси биринчи қисми), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 266-моддаси биринчи қисми), Молдавия Республикаси (ЖПК 287²-моддаси биринчи қисми)[6] каби МДҲ давлатларида айнан тўхтатилган ишлар юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Шундай қилиб, ЖПКнинг 369-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

“Суриштирувчи, терговчи терговни тўхтатгач, бу ҳақда жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакилларини хабардор қилади ҳамда уларга ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкинлигини тушунтиради”.

Жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакилларини хабардор этишнинг ягона бир шакли мавжуд эмас. Амалиётда умумий тартибда оғзаки тарзда хабардор этилади. Энди шахс нима тўғрисида шикоят бериши мумкин? деган масала келиб чиқади. Агар у иш ҳолатларини аниқ билмаса ва иш материаллари билан таниш



бўлмаса, қандай тартибда шикоят беради. Бизнингча, суриштирувчи, терговчи томонидан тўхтатилган иш бўйича хабар билан бирга суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини тақдим этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Суриштирув ёки дастлабки тергов тўхтатилганлиги тўғрисида ишдан манфаатдор бўлган шахсларни оғзаки ёки телефон, почта хати ёхуд бошқа йўллар билан хабардор этилган тақдирда, тергов органи томонидан бу ҳақида маълумотнома расмийлаштириб, ушбу маълумотномани иш ҳужжатларига бирлаштириш керак.

ЖПКнинг 364-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тергов тўхтатилган бўлса, амалий жиҳатдан терговнинг тўхтатилганлиги тўғрисида айбланувчи ва унинг ҳимоячисини ҳам хабардор этиш мумкин. Бироқ бу масала процессуал қонунчиликда эътибордан четда қолган. Амалий жиҳатдан терговчи, прокурор айбланувчини ҳамда унинг ҳимоячисини тўхтатиш тўғрисидаги қарордан хабардор этиши керак.

Бу масалага жиддий эътибор қаратиш бўйича ҳам бир қанча олимлар ўзларининг ижобий қарашларини беришган[7]. Бизнингча, амалиётда тергов ходимлари томонидан айбланувчи ва унинг ҳимоячисини ҳам хабардор этиш масаласига жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Беларус Республикаси (ЖПК 247-моддаси биринчи қисми), Россия Федерацияси (ЖПК 209-моддаси), Озарбайжон Республикаси (ЖПК 277-моддаси тўртинчи қисми), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 266-моддаси биринчи қисми), Молдова Республикаси (ЖПК 287²-моддаси биринчи қисми)[8] каби МДҲ давлатларида айбланувчи ва унинг ҳимоячисини ҳам хабардор этиш тартиби ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти жиноят процессининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

1. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор ҳақида процесс иштирокчиларини хабардор қилиш тартиби такомиллаштирилиши лозим. Бунинг учун Жиноят-процессуал кодекснинг 369-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

2. Тўхтатилган иш бўйича шикоят бериш ҳуқуқи қонунда аниқ белгиланиши керак. Бу эса ишдан манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида таъминлашга хизмат қилади.



3. Суриштирувчи ёки терговчи томонидан тўхтатилган иш бўйича хабар билан бирга, тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини ҳам тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

4. Айрим ҳолларда айбланувчи ва унинг ҳимоячисини ҳам терговнинг тўхтатилганлиги тўғрисида хабардор этиш масаласини қонунчиликда белгилаш зарур.

5. Хорижий тажрибани ўрганиш асосида, МДХ давлатлари қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш тавсия этилади.

Ушбу тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноят процессининг умумий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабийётлар:

1. Шодиев Ғ. жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг объекти сифатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари // Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 132.

2. Рябчиков В.В. Приостановление и возобновление предварительного расследование: Дис.канд.юрид.наук.-Владимир: ВЮИ ФСИН, 2006. – С. 45.

3. Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш: Монография / Ю.ф.д., проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 113.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Тошкент, 2009. – Б. 41.

5. Шагинян А.С. Приостановление предварительного следствия: Автореф.дисс. канд.юрид.наук. Томск: ТГУ, 2001. – С. 9.

6. МДХ Республикалари ЖПК модели: Интернет веб манзили: <http://www.cis-legal-reform.org>.

7. Громько А., Фирдман А.Нарушаются права потерпевших // Законность.- М., 1997,-№11. – С. 40; Дорошков В., Патов Н. Приостановление производства по уголовным делам // Российская юстиция. – М.: Юрид. Лит., 2000,-№1. – С. 41; Григорьев В.Н., Шишков А.А. Уголовно-процессуальная деятельность подразделений по борьбе с организованной



преступностью: Учебное пособие / Гл.ред. Н.Д. Эриашвили.-М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – С. 152

8. МДХ Республикалари ЖПК модели: Интернет веб манзили:
<http://www.cis-legal-reform.org>